



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021

ПАРОНИМИЯ ВА У БИЛАН ЧЕГАРАДОШ ҲОДИСАЛАР

Сабирова Нилуфар Каримбаевна
Ўзбекистон Миллий университети
Қиёсий тилшунослик кафедраси
E-mail: sab-nilufar.88@mail.ru

DOI 10.5281/zenodo.4963383

Аннотация: Мақола замонавий тилшуносликда паронимия ва у билан туташ ҳодисаларнинг ўрганилишига бағишланган. Паронимларнинг муҳим белгилари сифатида сўзларнинг формал ўхшашлиги, паронимик жупликларнинг семантик фарқланиши, нутқда янглиш ёки аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро алмаштириш (парономазия) каби омиллар билан белгиланади.

Калит сўзлар: *паронимия, омонимия, синонимия, парономазия, фонетик ўхшашлик, семантик фарқланиш.*

Паронимия – ўзаклари жуда қадимийликка борадиган мураккаб ва кўп жиҳатли ҳодисадир. Агар лингвистик тафаккур тарихини йўлларнинг тармоқланган тўри сифатида тасаввур қилинса, тадқиқотчилар томонидан паронимия муаммоси бўйича босиб ўтилган йўлни ингичка, бироқ катта йирик магистраллар ва уларнинг сон-саноксиз шаҳобчалари билан кесишадиган чизик билан белгилаш мумкин. Шу йўл билан силжишда давом этиб, аввало бу соҳадаги тадқиқот тафаккури ривожланишини билдирувчи асосий даврларни аниқлаш лозим.

Паронимик аралаштириш тил нормасини маълум бузилиши сифатида тилнинг паталогияси деб баҳоланиши мумкин ва тилшуносликнинг маданий-нутқ жиҳатига киради. Рус тилшунослигида “салбий” тил материални ўрганиш зарурияти ҳақида Л. В. Щерба, Г. С. Винокур, А. М. Пешковский, В. В. Виноградов ва бошқалар кўп марталаб ёзишган. Паронимик жараёнларнинг моҳиятига берилмай, В. В. Виноградов паронимия (“сўзларнинг ўхшаш садоланиши”) ва омонимияни чегаралашга эътибор

каратади: “Омофония – омонимияга қараганда анча кенг тушунча. У бир хил товушликнинг ёки оҳангдошликнинг барча кўринишларини ҳам ҳамма конструкторларда, ҳам сўз уланишларида ва уларнинг бўлакларида, нутқнинг алоҳида бўлакларида, алоҳида морфемаларда, ҳатто бир-бирига яқин товуш бирикмаларида ўз ичига олади. Шундай қилиб, омонимия билан бу сўзнинг асл маъносида нутқда пайдо бўладиган ёки ҳатто тил тизимида учрайдиган омофониянинг хилма-хил типларини, оҳангдошликни ва ўхшаш садоланишни аралаштириш ва ҳатто яқинлаштириш мумкин эмас”¹. Шунингдек олим оҳангдош сўзларнинг шаклан ўхшашлиги уларнинг маъновий “ўзига тортишини” шарт қилиб қўяди, бу “уларнинг семантик муносабатларида акс этади”², деб фикр билдиради.

Ш. Балли тил патологияларини ўрганиш зарурлиги ҳақида шундай ёзади: “Тил аномалиялари экспериментал тарзда ишлатилишга лойиқ, улар жонли тилга тегишлидир ва бавосита унинг табиатини ва ишлашини, шунингдек у бошидан ўтказадиган ўзгаришларнинг йўналишини ёритади”, тилшуносни “тилнинг тўғрилиги камомадини тўлдиришга яширин интилиш сабабли” нутқда юз берадиган камчиликлар қизиқтириши керак”³. Ушбу олим паронимларни, улар ўртасида бўлиши мумкин бўлган семантик муносабатларига эътибор қаратмай фақат шаклан ўхшашлик жиҳатдан кўриб чиқади. Қизиғи шундаки, И. Н. Кузнецованинг таъкидлашича, Ш. Балли намуна сифатида иккала компонентнинг сезиларли семантик фарқланиши билан характерланадиган француз тилидаги паронимик birlikни (французча *allocation: allocution*; “ажратилган: нутқ”) келтиради. Бироқ, бу муаммо тадқиқотчиларининг яқдил фикрига кўра, бундай, семантик боғланмаган паронимлар уларнинг энг кам типик кўринишини

¹ Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях // Вопросы языкознания. - 1960. - № 5. - С.4- 6.

² Ўша жойда.

³ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. - М., 1959. С. 35-36.

ифодалайди. Аксарият кўпчилик ҳолларда паронимлар ўзаро семантик корреляцияларни намоён қиладилар.

Паронимларнинг бошқа таърифлари ҳам шаклий (формал) (фонетик-орфографик) ўхшашлик принципига асосланган:

О.С.Ахманова “садоланишининг ўхшашлиги ёки морфема таркибининг қисман тўғри келиши оқибатида нутқда ёки янглиш, ёки каламбур тарзда ишлатилиши мумкин бўлган сўзлар” дея таърифлайди⁴. Охирги таърифда паронимларнинг фақат фонетик яқинлиги факти, балки бундай яқинликнинг натижаси – паронимларни нутқда аралаштириб юборилиши ҳам кўрсатилади.

О.В.Вишнякованинг концепцияси бўйича паронимия “битта лексик-грамматик разрядга тегишли бўлган оҳангдош бир негизли турли маъноли сўзларнинг” соҳаси билан чекланади⁵. Бу таъриф ҳам функционал ҳам семантик белгиларни эътиборга олади. Муаллиф томонидан лексик паронимлар, *par excellence* паронимлар – “лексик-семантик яқинликка эга бўлган ва битта семантик майдонга тегишли бўлган бир негизли сўзлар” алоҳида ажратиб кўрсатилган⁶.

Кейинги тадқиқотларда, паронимиянинг умумназарий жиҳатларини ишлаб чиқиш давом эттирилди, шу муносабат билан конкрет тилнинг идиоматикасига катта эътибор қаратилди ва секин-аста этимологик мезоннинг тор доирасидан чиқилди. Л. Г. Яркованинг немис тили материали асосида қилган иши катта қизиқиш касб этади. Паронимия деганда “лексик birlikларнинг ўхшаш (аммо омонимиядаги каби айнан бир хил бўлмаган) садоланиши ва нутқда кутилмаган семантик муносабатга киришувчи, ёки янглиш ўзаро алмаштиришга, ёки каламбурга олиб борувчи семантик

⁴ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1969. – С.313.

⁵ Вишнякова О.В. Паронимия в русском языке. - М., 1984.- С.5.

⁶ Вишнякова О.В. Паронимия в русском языке. - М., 1984.- С.7.

фарқланишлар” тушунилади⁷. Паронимик муносабатлар муаллиф томонидан тилнинг лексикасида омонимия, синонимия, антонимия, вариантлик билан бир қаторда парадигматик муносабатларнинг бир тури деб баҳоланади.

И.Н.Кузнецова паронимия муаммоси бўйича олиб борган тадқиқотида “паронимларнинг фонетик фарқлари мумкин бўлган миқдорни априор тарзда (хилма-хил фонемалар сонини ихтиёрий чеклаш билан) эмас, балки паронимик материалнинг ўзида берилган тил реалликларини таҳлил қилиш йўли билан белгилаш лозим деб таъкидлайди⁸. Паронимия ушбу концепция доирасида битта формал белги билан эмас, балки формал, семантик ва биринчи навбатда, функционал (нутқда паронимик жуфтликнинг диагностик хусусияти сифатида янглиш алмаштириш имконияти) белгиларининг бирикмаси билан аниқланади.

Шу нуқтаи назар паронимик соҳага товуш яқинлигини кўрсатадиган маълум синонимик сўзларни киритадиган семантик мезонни эътиборга олувчи бошқа таърифлардан ажралиб туради. У билан паронимия ва синонимия соҳалари айрим бўлакларда бир-биридан ажратилмаган бўладилар, балки, аксинча, кесишадилар. Шундай қилиб, паронимик жараён лексик интерференциянинг бир кўриниши сифатида гавдаланади. Лексик интерференцияни И. Н. Кузнецова икки томонлама (ифода планида ва мазмун планида) битта ёки турли тилларнинг лексик бирликларини дастлаб шаклан, шунингдек семантик ўхшашлиги билан боғлиқ ва тил нормасининг ғайриихтиёрий (янглиш) ёки ихтиёрий (стилистик) бузилишига олиб келадиган икки томонлама тортилиши⁹, деб таърифлайди.

⁷ Яркова Л.Г. Паронимия в современном немецком языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Л., 1979. – С.16.

⁸ Кузнецова И.Н. Пособие по французской лексикологии. -М.,1991.-С.29.

⁹ Кузнецова И.Н. Пособие по французской лексикологии. -М.,1991.-С.27.

Л.К.Федотова паронимия ҳодисасини структур-функционал мезонлар нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Бу эса, иккита асосий жиҳатни назарда тутаяди: биринчи навбатда, паронимия нутқ ҳодисаси деб тан олинади; иккинчиси, муаллиф томонидан паронимларнинг шаклий ва мазмуний яқинлик даражасини аниқлаш учун бир қатор асослар таклиф қилинади. Тилшунос паронимиянинг қаторига анча мураккаб парасинтагматик муносабатларни киритиб, унинг тил мавқеини аниқлаштиради: “Ушбу муносабатлар парадигматиканинг ва синтагматиканинг синтезидан иборат бўлиб, битта синтагматик қатор доирасида бир вақтнинг ўзида турли парадигматик синфларнинг элементлари амалга ошганда юз беради”¹⁰. Паронимларни бир маънода аниқлаш ва бу билан бошқа лексик гуруҳлардан уларни нутқ мавқеи ҳақида далолат берувчи вазифаси орқали чегаралаш таклиф қилинади.

Л.Н.Федотова пароним сўзларнинг мазмун планини таҳлил қилиб, “интеграл белги” (ИБ) тушунчасидан фойдаланади. Муаллиф умумлаштириш даражаси бўйича интеграл белгиларнинг 4 та категориясини ажратиб кўрсатади: масалан, категория 3: *metronomic/metonimic* (ИБ - *of quality*), *mitigate/militate* (ИБ - *action*); камроқ умумий категория 2 - *day/date* (ИБ - *time*); хусусий интеграл белгилар (мос равишда белгининг кам умумлаштирилган даражаси); *abyssal/abysmal* (ИБ - *deep*)/ *amiable/ amicable* (ИБ - *friendly*).

Ғарбий Европа филологик анъанасида паронимияни тушуниш анча тор ифодаланган. Паронимларни белгилаш учун “confusable” атамасидан фойдаланишда ёки уларни анча умумий тушунча “malaprop”, яъни янглиш, нотўғри сўз қўллаш тушунчасига киритишдади: инглизча: *absence - abstinence; costume - custom*.

¹⁰ Федотова Л.Н. Паронимия в современном английском языке: структура и функции: Автореф. дис.... канд. филол. наук. - Минск, 1989. – С.11.

А.Рум “confusable” тушунчасининг нолингвистиклигини тан олиб, уни аслини олганда, биз паронимлар деб атайдиган таърифга тенглаштиради: “бу сўз бошқаси билан фақат ёзилишда, талаффуздагина эмас, балки у билан умумий ёки ассоциатив боғланган маънога эга бўлган сўздир”¹¹ дея таърифлайди. Шундай қилиб, асосий мезонлар бу - садоланишдаги, ёзилишдаги ўхшашлик, контекстуал маъновий яқинликдир. А.Рум анъанавий рўйхатга яна сўзлардаги бўғинлар сонининг тахминий тенглиги, битта функционал услубга тегишлилик ва бошқа бир қаторларини қўшиб, уларни битта умумий шиор: “*sight - sound – sense criterion*” остида бирлаштиради.

А.Рум бошқа “suggestible” тушунчасидан фойдаланади. “Suggestible” тушунчаси мазмунига кўра ўта жўяли ва шу сабабли жуда ранг-баранг ҳолатларни масалан, паронимияни (*jubilee/jubilant*); омофонияни (*whet/wet*), солецизмларни, яъни тасодифий нутқий хатоларни, янглиш айтилган сўзларни (*calvary/cavalry*), сохта этимологияни (*taper - tapir: animal with tapering nose*) ўз ичига олиб, терминологик кучга эга эмас. А. Рум “confusable” ва “suggestible” тушунчалари қўлланилишининг такрорланиш даражаси ва функционал-услуб нуқтаи назаридан бўлиши мумкин бўлган табақаланиш ҳақида шундай тахмин билдиради: “suggestible” атамаси “анча ноёб сўз билан ассоциация орқали пайдо бўлган жуда кенг қўлланиладиган сўз”; “confusable” ёки тор ихтисослаштирилган маънога (“specialist”) ёки ҳамма ерда қўлланиладиган маънога эга бўлиши мумкин бўлган сўз”¹² деб белгилайди.

У.Коутс “Near-homonymy as a factor in a language change” ишида пароним атамасини, унинг мазмунини омонимия ва унга туташадиган ходисалар билан боғлаб, инкор қилади. Паронимларни (near-homonyms) “иккита ёки ундан ортиқ фонетик яқин, қоидага кўра, турли маъноларга эга бўлган сўзлар (шунга карамай, шундай ҳоллар бўладикки, паронимлар

¹¹ Room A. Room’s dictionary of confusibles.-L., 1980.- 15p.

¹² Room A. Room’s dictionary of confusibles.-L., 1980.- 3p.

синонимлар ҳисобланадилар; бу бўлиши мумкин бўлган паронимлар тўқнашуви натижаларининг биттасидир (“clash of near-homonyms”)¹³ деб таърифлайди. Бироқ, ушбу тадқиқотчининг, омонимлар ва унга туташадиган ҳодисалар тил коммуникацияси асосларига путур етказадилар, деган эътирози билан қўшилишиш қийин: “The tidiness of the system is disturbed by both neutralization and near-homonyms”¹⁴. Агар тил тизимини ўзига етарли, фақат ўзига йўналтирилган, сўзловчи кишининг фаолиятига бефарқ, дея тасаввур қилинса, бу таъкид тўғри бўлиши мумкин эди. Маълумки, паронимия ва стилистик мақсадларда қўлланиладиган товуш ўхшашликларининг бошқа турлари (парономазия), адабий тил бойиши манбаларидан бирига, нутқ экспрессиясининг воситаларидан бирига айланади. Паронимлардан моҳирона фойдаланиш, қоидага кўра тилни юқори даражада (маданий-нутқ жиҳатдан) билишдан далолат беради ҳамда муаллифга фикрни аниқ ва экспрессив тарзда ифодалаш – стилистик жиҳатдан нозик маъновий тус ва ассоциациялар киритишга ёрдам беради¹⁵.

Шундай қилиб, “пароним” атамасининг умумий мазмуни таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги муҳим жиҳатларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

Қуйидагилар паронимлар ҳисобланади:

- 1) битта лексик-грамматик синфга кирувчи, одатда, этимологик яқин бўлган фақат бир хил ўзакли сўзлар;
- 2) нутқда паронимик силжишга дучор қилинадиган ҳар хил ўзакли сўзлар;
- 3) ҳар қандай оҳангдош, ўзининг мазмуний структурасида битта бўлса ҳам интеграл белгига эга бўлган сўзлар;

¹³ Coates W.A. Near-homonymy as a factor in language change // Language. - 1968. - p. 468.

¹⁴ Coates W.A. Near-homonymy as a factor in language change // Language. - 1968. - p. 477.

¹⁵ Антипина О.П. Сопоставительный анализ паронимов русского и английского языков: Дисс....канд. филол. наук.-Уфа 2012. С.25.

4) нутқда атайлаб /каламбур ёки тасодифий /паронимик хато/ ўзаро алмаштиришга лойиқ бўлган фонетик яқин сўзлар.

Хулоса қилиб айтганда, паронимия ва у билан туташ ҳодисалар етарли даражада тўла тадқиқ қилинмаган. Лингвистик адабиётларда паронимларнинг моҳиятини ҳар томонлама ёритиш мавжуд эмас, оҳангдош сўзларнинг гуруҳларидаги лексик-семантик контактлар ҳар хил талқин қилинади. “Пароним” атамасини қатъий терминологик парадигмага киритишнинг қийинчиликлари паронимия ҳодисаси ўзининг мураккаб онтологик мавқеи, ушбу ҳодисанинг айрим умумназарий жиҳатларининг ишлаб чиқилмаганлиги оқибати сифатида изоҳланади.

Паронимия сўзларнинг янглиш ўзаро алмаштирилишига, ёки каламбурга олиб боровчи товуш яқинлашуви билан боғлиқ ҳодисаларнинг барча комплексини ўз ичига олади. Шаклларнинг яқинлиги оҳангдош сўзларнинг семантик контаминациясини келтириб чиқаради. Мос равишда қуйидагиларни паронимларнинг муҳим белгилари деб ҳисоблаш керак:

- а) сўзларнинг формал (фонетик-орфографик) ўхшашлиги;
- б) паронимик жуфтлик (қатор) компонентларининг семантик фарқланиши;
- в) нутқда янглиш ёки аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро алмаштириш паронимазия натижаси сифатида;
- г) иккита сабабнинг ўзаро муносабати ҳисобига сўзларнинг ихтиёрий ва ғайриихтиёрий семантик контаминациялари: формал яқинлик ёки бир хил моделда позицион бир хиллик ва маъновий контаминация учун семантик асосларнинг мавжудлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Антипина О.П. Сопоставительный анализ паронимов русского и английского языков: Дисс....канд. филол. наук.-Уфа 2012. С.25.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.,1969. – С.313.

3. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. - М., 1959. С. 35-36.
4. Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях // Вопросы языкознания. - 1960. - № 5. - С. 4- 6.
5. Вишнякова О.В. Паронимия в русском языке. - М., 1984.- С.5.
6. Кузнецова И.Н. Пособие по французской лексикологии.-М.,1991.- С.29.
7. Литвин Ф.А. Паронимия и семантика // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. Сб.научн.труд. - Новосибирск, 1976. - С. 83.
8. Снетова Г.П. Паронимия в русском языке // Вопросы языкознания. -1974.-№2.-С. 52-53.
9. Федотова Л.Н. Паронимия в современном английском языке: структура и функции: Автореф. дис.... канд. филол. наук. - Минск, 1989. – С.11.
10. Яркова Л.Г. Паронимия в современном немецком языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Л., 1979. – С.16.
11. Coates W.A. Near-homonymy as a factor in language change // Language. - 1968. - p. 468.
12. Room A. Room's dictionary of confusibles.-L., 1980.- 3p.